



## ИҚТИСОДИЁТНИ АГРАР СЕКТОРИДА ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИОН СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Янгибоев Сирожиддин Жўрамуродович**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети, мустақил тадқиқотчиси.*

*Тошкент, Ўзбекистон. [s.yangiboev@tsue.uz](mailto:s.yangiboev@tsue.uz)*

**Article DOI: 10.55439/EIT/vol10\_iss2/a11**

### **Аннотация**

Мақолада инвестицияларга ижтимоий-иқтисодий наф келтиришга асосланган мақсадли қўйилмалар ва истиқболда даромад олиш билан боғлиқ операцияларни мужассамлаштирувчи инвестицион жараён, ҳамда харажатлар, жамғариш ва капитални ўсишини ўзида мужассамлаштирувчи категория сифатида таърифлар берилган. Шунингдек, аграр соҳада инвестицион фаоллик ва фаолият самарадорлигини баҳолашда қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлик индекс (Agriculture Orientation Index – AOI) услубиётдан фойдаланиб қишлоқ хўжалигига жалб қилинган инвестицияларнинг нисбий самарадорлиги баҳоланган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, инвестиция, инвестицион фаоллик, кафолатланган ўсиш, қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлик индекси, инвестицияларнинг нисбий самарадорлиги.

### **Аннотация**

В статье инвестициям дано определение как экономическая категория, объединяющая целевые инвестиции, основанные на социально-экономической выгоде от вложений и будущих доходоприносящих операций, а также на затратах, сбережениях и приросте капитала. Относительная эффективность инвестиций в сельское хозяйство оценивалась также с использованием методологии Индекса сельскохозяйственной ориентации (AOI) при оценке инвестиционной активности и результатов деятельности в аграрном секторе.

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, инвестиции, инвестиционная активность, гарантированный рост, индекс сельскохозяйственной направленности, относительная эффективность инвестиций.

### **Abstract**

The article defines the investment process as a category that combines targeted investments based on the socio-economic benefits of investment and future income-generating operations, as well as costs, savings, and capital growth. The relative effectiveness of investments in agriculture was also assessed using the Agriculture Orientation Index (AOI) methodology in assessing investment activity and performance in the agricultural sector.

**Keywords:** agriculture, investment, investment activity, guaranteed growth, agricultural orientation index, the relative efficiency of investments.

### **Кириш**

Аграр секторда инвестицион фаолликни ошириш муаммолари глобал ва миллий масштабда долзарб аҳамият касб этади. Замонавий шароитларда ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш билан биргаликда,

озиқ овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи биринчи даражада ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳисобланади. Бунинг асосий сабабларидан бири 2020 йилда жаҳонда авж олган COVID-19 глобал пандемия шароитида аҳолининг кам таъминланган қатлами, натурал хўжалик билан шуғулланувчи фермерлар ва хусусан, давлат молиявий ёрдамига боғлиқ кичик фермерлар қатлами оғир аҳволни бошдан кечирмоқдалар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти[1] маълумотларига кўра, 2020-йил охирига келиб пандемия сабаб катта даромад йўқотишлари ва озиқ-овқат нархларининг юқори ўсиши шароитида 79 мамлакатда 270 миллион киши озиқ-овқат етишмовчилиги муаммосига дуч келган. 2050-йилга бориб, иқлим ўзгариши сабабли экинлар ҳосилдорлиги глобал миқёсда 10-25 фоизга камайиши мумкин[2].

Замонавий фан тараққиётидан маълумки, қишлоқ хўжалигида инвестицион фаолликнинг ўсиши, тармоқдаги инвестицион фаолликни умумий миллий иқтисодиётдаги инвестицион фаолликка нисбатан самарадорлигини баҳолашда қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлик индекс (Agriculture Orientation Index – AOI) услубиётдан кенг фойдаланилмоқда. Ушбу услубиёт орқали қишлоқ хўжалигига йўналтирилган инвестицияларнинг нисбий самарадорлиги баҳолашиб, тармоқ инвестицион фаоллигини оширишга йўналтирилган қарорлар қабул қилишда муҳим методологик манба сифатида фойдаланилмоқда. Ушбу услубиёт ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалигига жалб қилинган инвестицияларнинг нисбий самарадорлигини баҳолаш имкониятини яратади.

Ўзбекистон ҳудудлари иқтисодиёти аграр секторининг қўшимча инвестицияларга бўлган эҳтиёжи жамият ривожланишининг навбатдаги ижтимоий-иқтисодий модели яъни тараққиёт стратегияси доирасида бошқарувнинг интенсив ва инновацион турларига ўтиш, такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш муаммоларини ҳал этиш билан ҳам боғлиқдир. Бунинг натижасида қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифати, турмуш фаровонлиги, ҳудудларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга шарт шароит яратилади. Инсон капитали сифатини ошириш ва қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш зарурати ҳам инвестиция сиёсатининг ўта долзарб вазифалари қаторига киритилмоқда. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев, бу борадаги стратегик вазифаларга тўхталиб, “Биз учун стратегик тармоқ бўлган қишлоқ хўжалиги самарадорлигини тубдан ошириш ва уни диверсификация қилиш фоят муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кластер асосида қайта ишлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифамиз бўлиб қолади” [3] –деб алоҳида таъкидлаб ўтади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда таъкидлаш жоизки, ушбу тадқиқотдаги озиқ овқат хавфсизлигини таъминлаш заруратидан қишлоқ хўжалиги тармоғи инвестицион фаоллигини ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ- 60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги ПФ-5718-сон «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга доир бошқа

меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Мамлакатимиз миллий иқтисодиётида қарийиб чорак асрдан кўпроқ даврдаги бозор муносабатларига асосланган ислохотлар миллий иқтисодиёт тармоқлари кесимида, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиёт тармоқларида интенсив иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган фаол модернизациялаш сиёсатини амалга оширишга қаратилмоқда. Ушбу ислохотлар фаол инвестиция сиёсатини амалга оширишнинг фундаментал асосини ташкил қилмоқда.

Айни пайтда Янги Ўзбекистонни барпо қилишга йўналтирилган тараққиёт стратегияси иқтисодий ривожланишнинг замонавий ва янги курси сифатида инвестиция сиёсатида янги принципларга асосланган ислохотларни олиб бориш белгиланган. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясининг[4] "Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш" бўйича мақсадлар йўналишидаги 26- мақсадда "Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш" бўйича қатор вазифаларни амалга ошириш белгилаб олинган.

Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва қишлоқ хўжалиги тармоғи тараққиётидаги уларнинг тутган ўрни бўйича илк қарашларни физиократ Ф. Кенэ асарларида кўриш мумкин. Унинг фикрича, "ерга эгалик қилиш ва хўжалик юритиш учун чорва моллари, ерни ҳайдаш ускуналари, уруғлик сотиб олиш керак. Молхоналар қуриш, каналлар қазиш, қувурлар ётқазиш, ишчиларни ёллаш бўйича харажатларни амалга ошириш керак"[5]. Ф. Кенэ ушбу фикри орқали хўжалик юритиш учун зарурий меҳнат воситалари ва предметларини харид қилиш орқали инвестицион фаолиятни ташкил қилишни назарда тутди.

Классик иқтисодий назарий асосчиларидан бири А. Смит ҳам ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида инвестицияларнинг ролига оид илмий қарашларини тизимлаштириб ўтган. Қишлоқ хўжалиги, саноат, ички ва ташқи савдода шаклланадиган инвестициялар иқтисодий табиатига тўхталиб, ҳеч бир капитал фермернинг капиталига нисбатан тенг миқдорда унумлироқ меҳнатни ҳаракатга келтирмайди- деб таъкидлайди[6].

Ушбу жараёнда, А. Смит, тармоқлар кесимида инвестицияларни жалб қилишда унинг ижтимоий ва иқтисодий самараси юзасидан нисбий устунлик қишлоқ хўжалигида эканлигига урғу бериб ўтган.

Инглиз иқтисодчиси Ж.М. Кейнснинг фикрича, агар инвестициялар амалга оширилмаса, тадбиркорларнинг тушумлари бандлик даражасини оширишнинг зарурий даражадан паст бўлишини эътироф этади. Шунингдек, инвестицияларнинг иқтисодиёт тармоқларидаги мутлақ зарурлиги аҳоли бандлиги даражаси, ялпи талабни сақлаб қолиш нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Унинг таъкидлашича, агар инвестициялар киритилмаса, тадбиркорларнинг даромадлари уларда бандликни ошириш истагини уйғотиш учун зарур бўлган даражадан паст бўлади[7].

Иқтисодиёт тармоқлари кесимидаги барқарор иқтисодий ўсишга инвестициялар таъсирини диалектик боғлиқлиги (шу жумладан қишлоқ хўжалигига) қатор иқтисодчи

олимлар томонидан тадқиқ этилган. Хусусан, Ж. Кейнс издошларидан ҳисобланувчи Р. Харрод миллий даромаддаги капиталнинг чегаравий қиймати, жамғариш улушининг иқтисодий ўсишга таъсирини тақиқ қилган[8]. Натижада, иқтисодиётни динамик ривожланиши доимий жамғариш нормаси ва капитал сиғимининг барқарор коэффиценти шароитида кузатилади.

Рой Харрод иқтисодий ўсишга оид ишлаб чиққан моделида реал ўсиш тезлиги тенгламасини тақдим этади

$$gc = s \quad (1.1)$$

Бу ерда,  $g$  — маълум даврдаги реал иқтисодий ўсишни ифодалаб,  $y$  даромаднинг ўсишини ( $\Delta y$ ) база давридаги даромадга ( $y$ ) нисбати орқали примитив шаклдаги иқтисодий ўсишни ифодалаган. Яъни:

$$g = \Delta y / y \quad (1.2)$$

Хусусан, ушбу тенгламадаги  $s$ -капитал коэффиценти ёки капитал сиғими коэффиценти бўлиб,  $y$  қуйидагига тенгдир:

$$c = I / \Delta y \quad (1.3)$$

Ушбу тенгламадаги  $s$ -миллий даромаддаги жамғариш меъёрини ифодалаб, динамик тарздаги миллий даромадга нисбатан ўзгариши реакцияси жамғаришга нисбатан чегаравий мойилликни ифодалайди.

Тармоқдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотга ялпи талаб ушбу тармоққа жалб қилинадиган инвестицияларга тенг бўлиб, бунда инвестицияларининг моддий негизи тармоқдаги ялпи жамғармаларга тенглиги ( $S=I$ ) шароитида таъминланади. Ушбу ҳолат қуйидагича ифодаланади:

$$\Delta Y_t = m \Delta Y_{t-1} = \frac{1}{1-c} \Delta Y_{t-1} = \frac{1}{s} \Delta I_{t-1} \quad (1.4)$$

Модомики, тармоқдаги иқтисодий ўсиш ифодаси сифатидаги ялпи таклиф инвестицион фаолият натижасидаги ишлаб чиқаришга авансланган капиталга боғлиқ экан, буни қуйидагича ифодалаш мумкин бўлади:

$$\Delta Y_t = \frac{\Delta K_{t-1}}{\alpha} = \frac{I_{t-1}}{\alpha} \quad (1.5)$$

Бунда тармоқдаги инвестицион фаолликни ўсиш суръатини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\frac{\Delta I_{t-1}}{I_{t-1}} = \frac{s}{a} \quad (1.6)$$

Агар, тармоқдаги жамғариш нормаси ( $s$ ) доимий бўлса ишлаб чиқариш ҳажмининг мувозанатли ўсиши қуйидагига тенг бўлади:

$$\frac{\Delta Y}{Y} = \frac{\Delta I}{I} = \frac{s}{a} \quad (1.7)$$

Тармоқдаги мувозанатли иқтисодий ўсиш жараёнида жамғармалар инвестицияларга тенг эквивалентда бўлиб, ишлаб чиқариш тўлиқ қувватда ишлайди.

1.4-формуладаги  $m$ -константа Кейнс мултипликатори ҳисобланиб, инвестицияларни ўзгаришини ялпи ишлаб чиқариш ўсишига таъсири ва ялпи ишлаб чиқариш суръатини ўсиши ҳисобига жамғармаларни ҳосил бўлишини инвестицион фаолиятга таъсирини ифодалайди.

Бу нисбат Р. Харрод томонидан "кафолатланган ўсиш суръати" деб номланган[9],  $y$  тўлиқ қувватдаги ўсиш суръатларига мос келади. Ҳақиқий ўсиш суръати кафолатланганидан фарқ қилса, бу тизим мувозанатдан узоқлашаётганини англатади. "Кафолатланган ўсиш суръати" тушунчаси "Табиий ўсиш суръати" тушунчаси билан бир хил бўлмайди. "Табиий ўсиш суръати" тўлиқ бандликни назарда тутаяди. Агар

кафолатланган ўсиш суръати табиий ўсиш суръатидан юқори бўлса, бу ҳақиқий ўсиш суръати кафолатланган ўсиш суръатидан паст бўлишини англатади. Бу, ўз навбатида, ҳақиқий талаб кутилганидан паст бўлишини ва пировардида инвестицион фаолликни пасайтириш самарасига эга бўлишини ифодалайди. Агар кафолатланган ўсиш суръати табиийдан паст бўлса, у ҳолда ҳақиқий ўсиш суръати кафолатланганидан юқори бўлади. Ва бу шуни англатадики, ҳақиқий талаб кутилганидан юқори бўлишини, инвестицион фаоллик юксалишини ва натижада тармоқдаги юқори иқтисодий ўсиш суръатлари кузатилишини англатади. Ҳар учала ўсиш суръати (кафолатланган, табиий ва ҳақиқий) тенг бўлган тақдирдагина тармоқдаги ишлаб чиқарилган товарларга талаб ва тақлиф мувозанати сақланади.

Иқтисодчи Э.Ж. Долан[10] инвестицияларни хўжалик оборотида авансланган капитал шаклида 2 турини ажратади: биринчиси, асосий капиталга киритиладиган инвестициялар, булар асосан меҳнат воситаларига киритиладиган инвестициялар ҳисобланади; иккинчиси, товар моддий қийматлар, захиралар ва реализация қилинмаган тайёр маҳсулотлар шаклидаги инвестициялар ҳисобланиб, улар жорий активларга яъни меҳнат предметларини шакллантиришга киритилган инвестициялар ҳисобланади.

Замонавий иқтисодий фан инвестицияларга унинг иқтисодий табиатини ўзида мужассамлаштирувчи турли ёндашувдаги аниқликларни беради. Иқтисодчи, К.Р. Макконел инвестицияларга "... ишлаб чиқариш таннарни ва ишлаб чиқариш воситалари ва товар моддий захираларининг тўпланиши"; "Ишлаб чиқариш воситалари, инвестицион товарлар сифатидаги капиталнинг элементи"; "... товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ресурслар"[11] сифатида таъриф бериб ўтади.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда инвестицияларни иқтисодий табиатини ўзида мужассамлаштирувчи бир нечта ёндашувни кўришимиз мумкин. Хусусан, инвестицияларга иқтисодий категория сифатида (а) **фойда ёки бошқа ижтимоий-иқтисодий наф келтиришга асосланган мақсадли қўйилмалар** (Борисов А.Б.[12], Шеремет В.В., Палюченко В.М., Шапиро В.Д.[13], Бланк И.А.[14], Вобляя И. Н.[15] Минаков И.А. Сабетова Л.А[16]); (б) **истиқболда даромад олиш билан боғлиқ операцияларни мужассамлаштирувчи инвестицион жараёни** (Уильям Ф. Шарп, Гордон Дж. Александер, Джеффри В. Бэйли[17], Женкинс Г.П.[18], Гитман Л.Ж., Жонк М.Д.[19], Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р.[20], Буздалов И.Н., Афонина В.Е.[21]); (в) **харажатлар, жамғариш ва капитални ўсишини ўзида мужассамлаштирувчи категория сифатида**(Кейнс Дж. М.[22], Макконелл К.Р., Брю С.Л.[23], Э. Ж. Долан, Д. Е. Линдсей[24], Маслова В.[25]) таърифлар берилган.

Замонавий илм-фаннинг инвестициялаш борасидаги шубҳасиз ютуқларидан бири У.Шарп, Т.Александр, Ж.Бейлларнинг "Investment" деб номланувчи фундаментал асарлари ҳисобланади. Ушбу асарда инвестициялар фундаментал қоидалари яҳлит тизимини, инвестиция жараёнининг асосий тушунчалари тизимлаштиригани, молиявий инвестициялар, фонд бозорлари тадқиқотлари, инвестицион банклар, шунингдек, молиявий таҳлил муаммолари, инвестицияларни бошқаришнинг функционал элементлари, инвестиция портфелини бошқариш самарадорлигини баҳолаш ва халқаро инвестициялар, тармоқлар инвестицион фаолияти каби масалалар кенг ёритиб берилган. В. Шарп, Г. Александр, Ж. Бейл таъкидлаганидек, "Реал



инвестициялар (реал инвестициялар) одатда ер, асбоб-ускуналар, фабрикалар каби ҳар қандай турдаги моддий бойликларга инвестицияларни ўз ичига олиши эътироф этилади. Молиявий инвестициялар оддий акциялар ва облигациялар каби қоғозда ёзилган шартномалардир. Оддий иқтисодиёт шароитида инвестицияларнинг асосий қисми реал инвестициялардан иборат бўлса, замонавий иқтисодиётда инвестицияларнинг асосий қисми молиявий инвестицияларга тўғри келишини таъкидлаб ўтишади. Уларнинг фикрига асосланган ҳолда таъкидлаш мумкинки, реал ва молиявий инвестициялар иқтисодиёт тармоқларида такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш учун зарурий молиявий ресурсларни капитал шаклида жалб қилишнинг муқобил вариантлари ҳисобланади. Масалан, қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш фондларини модернизациялашга инвестицияларни жалб қилиш тўғридан тўғри шаклда ёки молиявий инвестицияларни жалб қилиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Молиявий инвестиция институтларининг юқори даражада ривожланиши реал инвестицияларнинг ўсишига кўп жиҳатдан ёрдам беради. Умуман олганда, бу икки шакл рақобатдош эмас, балки бир-бирини тўлдирди.

Л.Ж. Гитман, М.Д. Жонк инвестиция жараёнлари мажмуасини кўриб чиқиб: инвестиция фаолиятининг глобал жиҳатлари; инвестицияларнинг иқтисодиётдаги роли; инвестиция мақсадларига эришиш стратегияси ва воситалари; инвестиция жараёни иштирокчилари; инвесторлар ва инвестициялар турлари, инвестиция воситалари ва инвестицияларни бошқаришнинг бошқа бозор жиҳатларини тизимлаштиришгандир.

Иқтисодчилар И.Н. Буздалов, В.Е. Афонина қишлоқ хўжалиги техник тараққиётида инвестицияларнинг аҳамиятини ёритиб бериб, бунда инвестицион фаолиятининг йўналишлари асосий инвестицион маҳсулотларни такрор ишлаб чиқариш ва такомиллаштириш билан белгиланишини эътироф этишиб ўтишади. Инвестицияларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш омиллари: ер, меҳнат, капитал ахборот ва инновациялардан фойдаланиш ҳисобига қишлоқ хўжалигида технологик тараққиётни таъминлаш имкониятларига эга бўлинишига урғу бериб ўтган.

“Инвестиция” категориясига оид илмий қарашларни харажатлар, жамғариш ва капитални ўсиши сифатидаги мазмуни бўйича тизимлаштириш шундай хулоса чиқариш учун шарт шароит яратадики, инвестициялар биринчидан, иқтисодий ўсиш, тараққиётнинг моддий негизини ташкил қилувчи харажатларнинг алоҳида тури ҳисобланади. Иккинчидан, гарчи инвестицияларнинг молиявий асосини шахсий тасарруфдаги даромад ташкил қилар экан, инвестициялар орқали ўсиб боровчи ишлаб чиқариш натижасидаги даромад, унинг ўзини (инвестицияларни) янада кўпайиши учун моддий шарт шароит яратади. Бу борада таниқли инглиз иқтисодчиси Ж.М. Кейнс инвестицияларни ҳар қандай капитал шаклидаги мулк қийматликларни ўсиши сифатида тавсифлаб, инвестицияларнинг миқдори, миллий даромадни ўсишининг бош омили эканлигини таъкидлайди[26]. Бу борада К.Р. Макконел, С.Л. Брюлар инвестицияларга харажат элементи сифатида “ишлаб чиқариш воситаларини тўпланиши” яъни меҳнат воситаларининг тўпланиши орқали миллий бойлик элементларининг кўпайиши, товар моддий захираларни кўпайтириш яъни меҳнат предметларини кўпайиши жараёни[27] каби таърифларни бериб ўтади.

Бизнинг фикримизча, инвестицияларга уларнинг молиявий инструментлари ва ташкилотларнинг молиявий қўйилмаларини ҳисобга олмасдан, шунингдек, узоқ муддатли инвестициялар омилини ҳисобга олмасдан аниқлик киритиш уларнинг концепцияси доирасини нисбатан торайтиради. Шунинг ёдда тутиш керакки, капитал қўйилмалар асосий фондларни тўлдириш ва янгилаш учун инвестицияларни амалга ошириш шаклидир. Демак, инвестициялар нафақат миллий даромадни кўпайишига балки, миллий бойликнинг кўпайишига ҳам таъсир кўрсатувчи асосий омилдир.

Ушбу фикр мулоҳазалар асосида таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигида инвестицион фаолият нафақат тармоқдаги миллий даромаднинг ортиб боришига таъсир этади, балки қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш фондларини тўпланиши орқали миллий бойлик элементини янада ортишига ҳам таъсир кўрсатади.

“Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ[28] инвестициялар — инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритилган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар назарда тутилган.

Ушбу таърифга биноан инвестицияларнинг иқтисодий мазмунига мувофиқ, фойда олиш мақсадига урғу берилган. Шунингдек, инвестицион фаолият объектлари қонунчиликка асосан тизимлаштирилган. Ушбу қонунчиликдаги реинвестицияларга, инвестициялардан олинган, тадбиркорлик фаолияти ва бошқа фаолият турлари объектларига киритилган ҳар қандай даромад, шу жумладан фойда, фоизлар, дивидендлар, роялти, лицензия ва воситачилик ҳақлари, техник ёрдам, техник хизматлар учун тўловлар ва ҳақларнинг бошқа турлар сифатида аниқлик киритилган.

Юқоридаги қонунчилик актидаги инвестицияларга хос ёндашувга биноан қишлоқ хўжалигида инвестицион фаолликни оширишнинг иқтисодий ривожланишга таъсири ва инвестицион жозибдорликни баҳолашнинг илмий-назарий асослари П.С.Осмоловскаянинг тадқиқотларида келтирилган[29]. Иқтисодчи С.Р. Умаров[30] қишлоқ хўжалигидаги инвестицияларга тўхталиб, келажакда фойда ёки ижтимоий самара олиш учун инвестор томонидан қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш мақсадида маълум бир муддатга сарфланган барча турдаги моддий-техник ва интеллектуал бойлик сифатида тизимлаштирилган.

Демак, умумий хулоса сифатида айтиш мумкинки, барча тармоқлар каби қишлоқ хўжалигида инвестицияларнинг моҳияти ва аҳамияти аниқлаштиришда 2 та ёндашувни кўриш мумкин: биринчиси, асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларини мақсадли шакллантириш билан боғлиқ харажат элементи. Иккинчиси, асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқариш учун зарурий ресурслар мажмуасидир.

#### **Тадқиқот методологияси**

Аграр секторда давлат инвестицион сиёсатини бошқариш ва тартибга солиш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганишда тизимли таҳлил, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, иқтисодий-математик моделлаштириш, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

## Таҳлил ва натижалар

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларининг иккинчи мақсадини[31] 2030 йилгача самарали ижросини таъминлашда қишлоқ хўжалигига инвестицияларни кенг жалб қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Жаҳон амалиётида иқтисодиётнинг аграр сектори инвестицион фаоллигини оширишнинг интенсив иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолашда кенг қўлланиладиган методологияларидан бири Қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлик индекси (Agriculture Orientation Index – AOI) ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлик индекси (AOI) давлат харажатларидаги қишлоқ хўжалиги улушининг ЯИМдаги қишлоқ хўжалиги улушига нисбати сифатида аниқланади[32]. Бунни қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$AOI = \frac{\frac{G_a * 100}{G}}{\frac{VA_a * 100}{GDP}} \quad (1)$$

Бу ерда,  $G_a$  - жами давлат харажатларида қишлоқ хўжалигига қилинган харажатларнинг улуши;  $G$  - муайян даврдаги жами давлат харажатлари;  $VA_a$  - муайян даврда жами қишлоқ хўжалигидаги ялпи қўшилган қиймат;  $GDP$  - муайян даврдаги ялпи ички маҳсулот ҳисобланади. Ушбу индекс амалиётда глобал масштабда, ҳудудлар ва миллий иқтисодиёт кесимида ҳисобланади.

1-формулага мувофиқ, агар,  $AOI > 1$ , ушбу ҳолатда иқтисодиётдаги ялпи ички маҳсулотда аграр сектордаги қўшилган қиймат улушига нисбатан давлат харажатларининг юқори улушини ифодалайди. Миллий иқтисодиётдаги ушбу тенденцияга икки позицияда қараш мумкин:

Биринчидан, давлат харажатларидаги юқори улуш, аграр соҳага инвестицияларда давлат томонидан юқори қўллаб қувватлашга йўналтирилган фаол сиёсатни кўрсатади.

Иккинчидан, давлат томонидан аграр соҳани фаол қўллаб қувватлашга йўналтирилган фаол давлат инвестиция сиёсати шароитида тармоқдаги ялпи қўшилган қийматнинг нисбатан паст улуши назарий жиҳатдан бир қарашда қишлоқ хўжалигига инвестицияларнинг бошқа тармоқларга нисбатан паст даражадаги унумдорликка эгаллигини тасдиқлайди.

Агар,  $AOI < 1$  бўлса, ушбу ҳолатда иқтисодиётдаги ялпи ички маҳсулотга нисбатан аграр сектордаги қўшилган қиймат улушига нисбатан давлат харажатларининг паст улушини ифодалайди. Миллий иқтисодиётдаги ушбу тенденцияга уч позицияда қараш мумкинлигини кўришимиз мумкин:

Биринчидан, ЯИМдаги иқтисодиётнинг аграр секторда яратиладиган ялпи қўшилган қийматнинг улушига нисбатан жами давлат харажатларидаги аграр соҳага нисбатан нисбатан паст даражадаги улуши, аграр соҳага инвестицияларда давлат томонидан нисбатан паст даражадаги қўллаб қувватлашга йўналтирилган сиёсатини кўрсатади.

Иккинчидан, давлат томонидан аграр соҳани фаол қўллаб қувватлашга йўналтирилган давлат инвестиция сиёсатининг тармоқда ялпи қўшилган қийматни юқори даражадаги улуши шароитида, инвестицияларнинг тармоқдаги интенсив ривожланишга таъсири имкониятларига эгаллигини тасдиқлайди.


Учинчидан, ушбу ҳолатда, тармоққа инвестициялар жалб қилишда давлатнинг нисбий жиҳатдан паст фаоллигини кўрсатса-да, истиқболда давлат



инвестициялари орқали молиявий секторнинг реал сектордаги фаол интенсив ўсимш суръатларини таъминлашдаги имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

Агар,  $AOI = 1$  бўлса, ушбу ҳолатда иқтисодиётнинг аграр секторига давлат инвестицияларининг жами давлат харажатларидаги улушини динамик ўзгаришини тармоқдаги ялпи қўшилган қийматни ЯИМдаги улушини динамик ўзгаришига таъсири нейтрал ҳолатда бўлади.

Ушбу индекс асосида глобал масштабда қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб қилиш тенденциясини таҳлил қиламиз.



**1-расм. Жаҳон хўжалиги аграр сектори иқтисодий самарадорлиги ва инвестицион фаолияти таҳлили[33]**

Глобал миқёсда қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлик индекси 2001-2010 йиллар мобайнида 0,52 то 0,45 коэффициентгача паса йиш кузатилган бўлса, охири декадада ўсиш кузатилиб 2020 йилда 0,53 ни ташкил қилмоқда. Ушбу давр мобайнида индекс кўпгина минтақаларда доимий равишда 0,5 дан паст бўлган. Хусусан, Жанубий Африкада энг паст кўрсаткичлар қайд этилган бўйича ушбу минтақа қишлоқ хўжалигида кенг имкониятларига эга бўлишига қарамасдан давлат инвестицион ресурсларини тармоққа жалб қилишдаги заиф молиявий имкониятлар натижасида кузатилган. Энг юқори балл тўплаган ҳудудлар Шарқий Осиё ва Европа мамлакатларига тўғри келган.

Глобал миқёсда қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлик индексининг пасайиши жисмоний ёки инсон капиталини ошириш орқали сектор самарадорлигини, маҳсулдорлигини ва даромад ўсишини яхшилашга ёрдам беради.

Юқоридагилардан хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлик индексининг 1 дан юқори ва паст кўрсаткичининг ҳар иккала ҳолатида ҳам инвестицион фаоллик ва қишлоқ хўжалигидаги инвестициялар ҳисобига унумдорлик позициясидаги ривожланиш тенденцияларини кўришимиз мумкин.

Қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлик индекси бўйича етакчи мамлакатларда ушбу индекснинг максимал миқдори 10 кўрсаткичга яқин параметрни ташкил қилмоқда.

**Қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлик индекси (Agriculture Orientation Index – AOI)  
бўйича жаҳоннинг етакчи мамлакатлари[33]**

№	Мамлакатлар	2010	2016	2020
1.	Сингапур	6,79	9,78	7,47
2.	Швейцария	3,61	3,33	3,19
3.	Люксембург	4,21	3,20	3,33
4.	Корея	2,09	2,17	0,02
5.	Япония	2,13	1,78	0,01

1-жадвал маълумотларидан кўриш маумкинки, Сингапурда қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлик индекси 2010 йилда 6,79 ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб ушбу кўрсаткич 7,47 ни ташкил қилган. Шунингдек, Европа мамлакатларида (Швейцария, Люксембург) ушбу кўрсаткич 2020 йилда мос равишда 3,19 ва 3,33 ни ташкил қилган.

Демак, иқтисодиётдаги ялпи ички маҳсулотга нисбатан аграр сектордаги қўшилган қиймат улушига нисбатан тармоққа йўналтирилган давлат харажатларининг улуши қарийиб 3-7 баробар кўп эканлигини тасдиқлайди. Давлат харажатларидаги тармоқнинг юқори улуши аграр соҳани ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига давлат томонидан фаол қўллаб қувватлаш сиёсати амал қилаётганлигини тасдиқлайди.

Маълумки, қишлоқ хўжалигига давлатнинг инвестицион харажатлари тармоқдаги асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларини модернизациялаш ёки инсон капитали меҳнат унумдорлигини ошириш орқали тармоқдаги ишлаб чиқариш самарадорлигини, ҳосилдорликни ва аҳоли даромадларини ўсишига таъсир этади. Қишлоқ хўжалигига давлат инвестицион харажатлари тармоқ сиёсати ва дастурларини амалга оширишни ўз ичига олиб, конкрет йўналишда: тўпроқ унумдорлигини яхшилаш ва тўпроқ табиий унумдорлиги деградациясини минималлаштириш; ирригация ва мелиорация тизимларини модернизациялаш; янги зотларни яратиш бўйича чорвачиликни модернизациялаш; ўрмонзор ва бошқа ўрмон хўжалиги лойиҳалари каби лойиҳаларни самарали реализация қилиш имкониятларини яратади. Бундан кўришимиз мумкинки, тармоққа киритилган инвестициялардаги вақтинчалик лагги инobatга олган ҳолда улар самарадорлиги маълум даврдан сўнг олинади. Демак, давлат томонидан аграр соҳани фаол қўллаб қувватлашга йўналтирилган фаол давлат инвестиция сиёсати шароитида тармоқдаги ялпи қўшилган қийматнинг ЯИМдаги паст улуши қишлоқ хўжалигига инвестицияларнинг доимо ҳам тармоқ ривожланишига инвестициялар таъсирининг паст даражаси бўйича хулосаларни тасдиқламайди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ўсишда давлат инвестициялари ҳал қилувчи аҳамият касб этмайди. Чунки, ушбу тармоқнинг ривожланишида марказлаштирилмаган инвестициялар ва тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг таъсири ҳам муҳим аҳамият касб этади. Албатта халқаро капиталлар миграциясида бошқа тармоқларга нисбатан қишлоқ хўжалиги маълум заиф жиҳатларга эгадир. Маълумотлар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қишлоқ хўжалигига киритилган ички инвестициялар билан солиштирганда жуда кичикдир. Бундан ташқари, аксарият ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги сектори ҳали ҳам тўғридан-тўғри инвестицияларнинг

умумий оқимининг жуда кичик қисмини ташкил этади[34]. Бунга асосий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар кесимида тармоқдаги ҳар бир ишчига тўғри келувчи ялпи қўшилган қийматдаги кескин тафовут ҳисобланади.

**2-жадвал**


**Ҳудудлар иқтисодиёти секторлари(тармоқлари) кесимида 1 та ишчига тўғри келувчи ялпи қўшилган қиймат\*1 (минг долларда)**

№	Ҳудудлар/даврлар	1990-2000			2000-2010			2010-2020			1990-2000 даврга нисбатан 2010-2020 даврдаги ўсиш динамикаси		
		Тармоқлар									Қишлоқ хўжалиги	Саноат	Хизмат кўрсатиш
		Қишлоқ хўжалиги	Саноат	Хизмат кўрсатиш	Қишлоқ хўжалиги	Саноат	Хизмат кўрсатиш	Қишлоқ хўжалиги	Саноат	Хизмат кўрсатиш			
1.	Шарқий Европа/ Марказий Осиё	2	6,9	7,9	2,9	9,3	8,1	3,3	14,2	12,7	165,0	205,8	160,8
2.	Яқин Шарқ/ Жанубий Африка	7,5	4,7	4,1	3,9	8,8	6,7	9,7	19,4	18,7	129,3	412,8	456,1
3.	Лотин Америкаси	10,1	10,8	7,8	4,1	11,1	8,3	11,4	21,8	12,5	112,9	201,9	160,3
4.	Юқори даромадли мамлакатлар	19,5	53,6	50,5	28	63	55,2	31,3	118,9	192,3	160,5	221,8	380,8
	Дунё бўйича	11,4	24,6	22,7	13,4	30,5	26,3	27,8	43,6	37,8	243,9	177,2	166,5

2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, таҳлил қилинаётган 3 декада мобайнида иқтисодиётнинг тармоқлари кесимида 1 та ишчига тўғри келадиган ялпи қўшилган қийматнинг номинал қиймати ва динамик ўзгаришида қишлоқ хўжалиги хизматлар соҳаси ва саноатдан орқада қолган. Ушбу ҳолат халқаро инвестициялар оқимини минтақаларда жойлашган давлатлар иқтисодиёти тармоқлари кесимидаги ҳаракатланишига ҳам таъсир этувчи омил бўлган. Масалан, 1990-2000 даврга нисбатан 2010-2020 даврдаги ўсиш динамикасида Шарқий Европа ва Марказий Осиёда Қишлоқ хўжалигида 1 та ишчига тўғри келадиган қўшилган қийматнинг ўсиши 165,0 %ни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткични таъминлашда Қозоғистон минтақадаги етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланган. Юқори даромадли мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва модернизациялашга йирик инвестицияларни жалб қилишлари натижасида 1 та ишчига тўғри келадиган қўшилган қийматнинг ўсиши 160,5 %ни ташкил қилган.

Демак, мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалигини бошқа тармоқларга нисбатан капитални жалб қилишдаги рақобатбардошлиги тармоқда яратиладиган ялпи қўшилган қиймат ҳисобланиб, рақобатбардошликнинг ушбу детерминанти ҳам интенсив иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатига боғлиқдир.


\* Интернет манбалари асосида тайёрланган.



**2-расм. Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари (14 та мамлакат) аграр сектори иқтисодий самарадорлиги ва инвестицион фаолияти таҳлили[33]**

2-расмдан кўришимиз мумкинки, 14 та мамлакатдаги тенденцияни ўзида мужассамлаштирган Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиги тармоғи ялпи қўшилган қийматининг улуши 2001-2020 йилларда 14,81%-19,28 % атрофида тебранган. Давлат харажатларида қишлоқ хўжалиги тармоғига харажатларнинг улуши эса 5,72 %-7,01 % атрофини ташкил қилган. Ҳар иккала кўрсаткичдаги динамик ўзгариш пасайиш тенденциясида бўлган. Ушбу минтақа мамлакатларидаги глобал миқёсда қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлик индекси 2001-2010 йиллар мобайнида 0,33-0,47 ни ташкил қилган.

Агар ушбу мамлакатлар орасида Марказий Осиё мамлакатларини кўриб ўтадиган бўлсак, қуйидаги манзарани гувоҳи бўлишимиз мумкин.



**3-расм. Марказий Осиё (5 та мамлакат) мамлакатлари аграр сектори иқтисодий самарадорлиги ва инвестицион фаолияти таҳлили[33]**

Маркаий Осиё мамлакатларида ЯИМда қишлоқ хўжалиги ялпи қўшилган қийматининг улуши 2001 йилда 10,39 фоиз, 2020 йилга келиб эса 9,64 фоизни ташкил қилиб, таҳлил қилинаётган давраларда изчил тенденция кузатилмаган. Давлат харажатларида эса қишлоқ хўжалигига қилинган харажатларнинг улуши эса 2001 йилда 2,85 % ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб 4,66 % гача ўсиб борган.

Қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлик индекси эса 2001 йилда мос равишда 0,27 ни ташқил қилган бўлса, 2020 йилга келиб 0,48 га етган.

**3-жадвал**

**Қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлик индекси (Agriculture Orientation Index – AOI)  
бўйича Марказий Осиёнинг етакчи мамлакатлари[33]**

№	Мамлакатлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020
1.	Қозоғистон	0,92	1,00	0,96	0,97	1,15	1,19
2.	Ўзбекистон	0,17	0,14	0,17	0,19	0,18	0,21
3.	Қирғизистон	0,10	0,11	0,10	0,14	0,08	0,16
4.	Ўртача	0,35	0,39	0,39	0,44	0,47	0,48

3-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Марказий Осиё мамлакатларида 2015-2020 йилларда қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлик индекси 0,35-0,48 атрофида тебранган. Хусусан, энг юқори кўрсаткич Қозоғистонда кузатилиб, 2020 йилда 1,19 ни ташқил қилган. Ушбу ҳолат давлат харажатларида тармоқни риворжлантиришга фаол давлат инвестиция сиёсатининг олиб борилаётганлиги билан изоҳланади.

Ушбу кўрсаткич Ўзбекистон Республикасида таҳлил қилинаётган даврда 0,17-0,21 атрофида тебранган бўлиб, тармоқни инвестициялар орқали қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатинининг нисбатан паст даражаси таъминланаётганлигини тасдиқлайди. Лекин, фикримизча қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётимнинг стратегик тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида меҳнат унумдорлигининг юқори кўрсаткичи, мамлакатнинг табиий географик жойлашувига асосланган қулай иқлим шароити тармоқнинг иқтисодий ривожланишдаги драйвер соҳалардан бирига айланштириш зарурлигини тасдиқлайди.

Фермерларнинг янги қишлоқ хўжалиги технологиялари, кредит хизматлари ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлиги ва даромадларини ошириб, инклюзив иқтисодий ўсишга ва қашшоқликни, айниқса, иқтисодий жиҳатдан заиф қишлоқ жойларида қисқаришга ёрдам беради. Қишлоқ хўжалигига йўналтирилган давлат сармоялари қишлоқ хўжалиги ходимларини ушбу ресурслар билан таъминлаш, шунингдек, хусусий инвестицияларни жалб етишда ҳал қилувчи ўрин тутди.

Бу борада Ўзбекистон республкаси президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш ислохотларимизнинг асосий йўналишини ташқил этади. Шу мақсадда фермер ва деҳқонлар даромадини 2 баробар кўпайтириш учун зарур шароитларни яратамиз, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръатини камида 5 фоизга етказамиз[3].

**Хулоса ва таклифлар**

XXI асрнинг дастлабки чорагида жаҳон хўжалиги аграр секторига инвестициялаш бўйича инвесторларнинг қизиқиш ортиб бормоқда. Ушбу ҳолат глобал масштабдаги озиқ овқат хавфсизлигининг кун тартибида долзарблашиб бориши ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқ бўлмоқда. Аҳоли сонининг ўсиши ва уларнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини қондириш зарурати, озиқ-овқат маҳсулотларига юқори ва ўзгарувчан нархлар, иқлим ўзгариши аҳолини қишлоқ хўжалигининг аҳамиятини англаб етишга ва



ушбу соҳани қўллаб-қувватлашни кучайтириш учун ҳаракат қилишга ундади. Асосий омиллардан яна бири бу сўнги ўн йил ичида озиқ-овқат нархларининг узоқ муддатли ўсиш тенденцияси бўлиб, бу инвесторларнинг юқори даромад олиш умидларини кучайтириши эканлиги илмий тадқиқотда асосланди.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкин:

Биринчидан, жаҳон хўжалигида кузатилаётган тенденцияга нисбатан Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларида қишлоқ хўжалигининг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти юқори даражада. Чунки, ушбу тармоқда яратилаётган қўшилган қийматнинг мамлакатлар ЯИМдаги улуши юқори даражада. Ушбу ҳолат минтақа мамлакатларидаги фаол инвестиция сиёсати учун муҳим иқтисодий шарт шароит ҳисобланади.

Иккинчидан, давлат харажатлари таркибида қишлоқ хўжалиги тармоғига қилинган харажатларнинг улуши ўртача жаҳон даражасидан юқори бўлиб, ушбу ҳолат фаол давлат инвестиция сиёсатининг олиб борилаётганлигини тасдиқлайди.

Учинчидан, давлат харажатларида қишлоқ хўжалигига харажатларнинг юқори улуши минтақа давлатларидан кескин ўсиш суръатига эга бўлиб, ушбу ҳолат фаол инвестицияларнинг тармоқ ривожланишида муҳим рол ўйнашига самарали таъсирдан далолат беради.

Туртинчидан, Қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлик индексининг нолдан паст кўрсаткич инвестициялар самарадорлигининг юқори кўрсаткичи эканлигини кўришимиз мумкин.

Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни киритиш қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалигидан ташқари соҳаларда сезиларли миқдордаги иш ўринларини яратиш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш орқали қишлоқ жойларда қашшоқликни камайитиришнинг муҳим ва энг самарали стратегияси ҳисобланади.

Шундай қилиб, ер ва сув танқислиги қисқарган шароитда қишлоқ хўжалигига инвестициялар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кенгайтириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Инвестициялар қишлоқ жойларида тармоқдаги инновацион ривожланишнинг асосий омили сифатида қишлоқ хўжалиги ишлабчиқариш унумдорлигини оширилишини таъминлаш орқали банд бўлган аҳолининг реал даромади ва истеъмолини ошириб, глобал ва миллий масштабда озиқ-овқат хавфсизлигини яхшилади.

Давлат томонидан қишлоқ хўжалигига инвестицияларни рағбатлантириш чоралари тармоққа инвестицияларни кўпайтиришнинг самарали усулларида биридир. Инвестицияларни давлат томонидан қўллаб қувватлаш сиёсатининг кўлами ҳар бир мамлакатнинг тармоққа хос бўлган нисбий афзалликлари ва қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан фойдаланиши имкониятларига боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигидаги нисбий афзалликлар Ўзбекистон шароитида озиқ овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш, улар бандлигини таъминлаш билан бир қаторда миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини оширишда улкан имкониятларга эга тармоқлардан биридир. Бунинг учун қўлай инвестиция муҳити ва самарали рискларни бошқариш тизими талаб қилинади.

Экстенсив ривожланиш учун чекланган имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалигининг ўсиши кўп жиҳатдан жисмоний, инсон ва интеллектуал

капиталга инвестициялар орқали қўллаб-қувватланадиган унумдорликнинг ўсишига боғлиқ бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. The Food and Agriculture Organization (FAO). <https://www.fao.org/about/en/>
2. <https://www.fao.org/news/story/en/item/356770/icode/>
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. <http://uza.uz/posts/318163>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғриси»ги ПФ-60-сон Фармони. Тошкент ш., 2022 йил 28 январь.
5. Блауг М. Кенэ, Франсуа // 100 великих экономистов до Кейнса = Great Economists before Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. — СПб.: Экономикус, 2008. — С. 128—130. — 352 с.
6. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. — М.: Эксмо, 2007. — 960 с.
7. Блауг М. Кейнс, Джон Мейнард // 100 великих экономистов до Кейнса = Great Economists before Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. — СПб.: Экономикус, 2008. — С. 121-124. — 352 с.
8. Блауг М. 100 великих экономистов после Кейнса. — СПб.: Экономикус, 2008. — С. 384.
9. Harrod R. F. An Essay in Dynamic Theory // The Economic Journal (англ.)рус.. — 1939. — Март (т. 49, № 193). — С. 14—33
10. Рынок: микроэкономическая модель / Э. Дж. Долан, Д. Е. Линдсей. — СПб., 1992. — 496 с.
11. Экономика: принципы, проблемы и политика / К. Р. Макконел, С. Л. Брю. — М.: Инфра-М., 2013. — Т. 1. — 388 (400) с.
12. Большой экономический словарь / А. Б. Борисов. — М.: Книжный мир, 2004. — 252 (860) с.
13. Управление инвестициями. В 2-х т. / В. В. Шеремет [и др]. — М.: Высшая школа, 1998. — 54 (416) с.
14. Инвестиционный менеджмент / И. А. Бланк. — М.: Эльга, Ника-Центр, 2001. — 17 (448) с.
15. Теоретические основы организации инвестиционного процесса в АПК / И. Н. Вобляя, И. В. Сугаипова // Научные труды SWorld. — 2010.— № 4. — С. 75-77.
16. Экономика сельскохозяйственного предприятия / И. А. Минаков, Л. А. Сабетова, Н. И. Куликов. — М.: Колосс, 2004. — 426 (528) с.
17. Инвестиции / У. Шарп, Г. Александр, Дж. Бели. — М.: Инфра-М, 2001. — 2 (1028).
18. Cost benefit Analysis of investment Decisions / G. P. Jenkins, A. C. Harberger. — Canada: Manuel. Queens University, 2001.

19. Основы инвестирования / Л. Дж. Гитман, М. Д. Джонк. – М.: Дело, 1997. – 31 (1008) с.
20. Фишер, С. Экономика / С. Фишер, Р. Дорнбуш, Р. Шмалензи. – М.: Дело ЛТД, 1993. – 54 (864) с.
21. Буздалов И.Н., Афонина В.Е. Методологические аспекты анализа понятия «инвестиции» // Известия ПГПУ им. В.Г. Белинского. – 2012. – № 28. – С. 261-265.
22. Общая теория занятости, процента и денег / Дж. М. Кейнс. – М.: Прогресс, 1978. – 183 (444) с.
23. Экономика: принципы, проблемы и политика / К. Р. Макконел, С. Л. Брю. – М.: Инфра-М., 2013. – Т. 1. – 388 (400) с.
24. Рынок: микроэкономическая модель / Э. Дж. Долан, Д. Е. Линдсей. – СПб., 1992. – 496 с.
25. Инвестиции в АПК в условиях импортозамещения / В. Маслова // АПК: экономика, управление. – 2014. – № 12. – С. 41-47.
26. Общая теория занятости, процента и денег / Дж. М. Кейнс. – М.: Прогресс, 1978. – 183 с.
27. Экономика: принципы, проблемы и политика / К. Р. Макконел, С. Л. Брю. – М.: Инфра-М., 2013. – Т. 1. – 388 с.
28. «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-598-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент ш., 2019 йил 25 декабрь // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2019 й., 03/19/598/4221-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.
29. Осмоловская, М. Инвестиционный процесс в АПК Краснодарского края: состояние и перспективы / М. Осмоловская // АПК: экономика, управление. – 2015. – № 3. – С. 89-9.
30. Умаров С. Р. Сув ҳўжалигини инновацион ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2017. – №. 1.
31. <https://sdgs.un.org/goals>
32. United Nations Statistics Division. International Standard Industrial Classification Rev. 4. New York. Available at: <https://unstats.un.org/unsd/cr/registry/isc-4.asp>
33. The Food and Agriculture Organization (FAO). <https://www.fao.org/about/en/>
34. Trends and impacts of foreign investment in developing country agriculture Evidence from case studies. Food and Agriculture Organization of the United Nations Rome, 2013.
35. Rajabov, N.R. (2019) "EFFECTIVE USAGE OF REGIONAL INVESTMENT POTENTIAL," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019: No.3, Article10.Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss3/10>
36. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. -Т.: Адабиёт жамғармаси. 2007. -340 б.
37. Бурханов А.У., Курбонов Х.А. Инвестицион фаоллик-ҳудудий иытисодий таравийётнинг бош омили сифатида // Иқтисодиёт ва таълим журнали. Тошкент 2018 йил. 20-26 бетлар.